# ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

***Доцентлар:***

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Факультет ва госпитал жарроҳлик” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Юқумли ва болалар юқумли касалликлари” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “4-5-курслар акушер гинекология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Травмотология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Факультет ва госпитал жарроҳлик” кафедраси

***Катта ўқитувчилар:***

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Травмотология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Анестезиология ва реаниматология” кафедраси

***Ассистентлар:***

Тиббий педагогика факультетига қарашли “УАШ тайёрлаш” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Патология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Факультет ва госпитал жаррохлик” кафедраси

Тибиббий профилактика факультетига қарашли “Травмотология,ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик” кафедраси

ОМҲ факультетига қарашли “Суд тиббиёти” кафедраси

Даволаш факультетининг “ИКП, гематология ХДТ ва лаборатория иши” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Умумий ва болалар жарроҳлиги” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Факультет ва госпитал терапия” кафедраси

**Ҳужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.**

Тошкент Тиббиёт академияси жамоаси ва касаба уюшмаси тери ва таносил касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси

**Алишер Файзуллаевич ИБРАГИМОВнинг**

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Тиббиёт академияси жамоаси ва касаба уюшмаси даволаш факультетининг ЛОР касалликлари ва стоматология курси кафедраси профессори Абдумалик Маҳмудович Ҳакимовнинг турмуш ўртоғи

**Сайёра Носировна ҲАКИМОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади

MUASSIS: **TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI**

MUHARRIR **TURDIQUL BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI: Q.Nizomov (Bosh muharrir o’rinbosari), O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov, L.Abduqodirova.

Gazeta Pentium-IV kompyuterida sahifalandi va Toshkent Tibbiyot akademiya RISOGRAFida 400 nusxada chop etildi. Manzilimiz: Toshkent shahri, Farobiy ko’chasi, 2-uy Nashr uchun ma`sul Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda 02-0049 raqam bilan ro’yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi mumkin. Maqolalardagi ma`lumotlar uchun mualliflar javobgardir

Topshirish vaqti: 14.00

TIBBIYOTNOMA

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI № 1 2016 YIL YANVAR



# “ТАЯНЧИМ ВА СУЯНЧИМ ФАХРУ ИФТИХОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!

**Ҳар йили Ватан ҳимоячилари байрами арафасида нафақат ҳарбийлар, балки юртимизда фаолият олиб бораётган бошқа касб эгаларининг бир-бирларини шу азиз байрам билан табриклаётганида юрагимиз ёришиб кетади.**

Ҳарбийларимиз мамлакатимизнинг тинчлигини кўз қорачиғидек асраётган бўлсалар, бизнинг шифокорларимиз эса эл саломатлиги йўлида хизмат қилмоқдалар.

Куни кеча Тошкент Тиббиёт академияси жамоасининг Маданият ва санъат институти Ёшлар театр студияси биносида “Таянчим ва суянчим, фахру ифтихоримсан, муқаддас Ватан!” номли байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирни ҳар икки олийгоҳ ректорлари очиб бердилар. Шундан сўнг байрам муносабати билан Тошкент тиббиёт академиясининг бир қатор профессор ўқитувчилари Соғлиқни сақлаш ҳамда Олий таълим вазирлигининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Тошкент Тиббиёт академиясининг 10 дан ортиқ профессор ўқитувчилари эса “Ветеран” уюшмасининг “Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун” ҳамда “Соғлиқни сақлашни ривожлантиришдаги хизматлари учун” медаллари билан тақдирландилар. Байрам тадбирининг иккинчи қисмида Маданият ва санъат институти талабалари ҳамда ўқитувчилари ижросида янграган куй-қўшиқлар йиғилганларга завқ бағишлади. Айниқса, байрам мавзусига мос равишда куйланган “Аскар”, “Ўзбекистон” қўшиқлари янграганда барчанинг қалби ифтихорга тўлди, десак янглишмаймиз. Байрам тадбири ана шундай кўтаринки руҳда ўтди.

**Лола АБДУҚОДИРОВА**

# *МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ МАЪНАВИЙ ЗАМИНЛАРИ*

Истиқлол берган неъматларни асраб авайлаш, қолаверса ижобий ривожлантиришда ёшлар онгига демократик онг ва қадриятларни олиб кириш, уларнинг сиёсий фаоллигини кучайтириш, маънавиятини юксалтириш даврнинг муҳим масаласи эканлигини инобатга олиб, нафақат тарғибот-ташвиқот ишларида, балки ўқитиш тизимида ҳам мустақилликнинг маъно-мазмунини чуқур англаш, истиқлол шунчаки қўлга киритилган неъмат эмас, балки неча йиллик курашлар натижаси эканлигини етказиш ўз аҳамиятини йўқотмайдиган асосий жараёндир.

Тошкент Тиббиёт академиясида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган 7 январь конференцияси “2016 йил – Соғлом она ва бола йили” ва “Ўзбекистонда Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонунда белгиланган вазифаларни амалга оширишни такомиллаштиришга бағишланди. Тадбирнинг асосий маърузачилари Ижтимоий фанлар кафедраси профессор-ўқитувчилари бўлишди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маънавият-маърифат ишлари бўйича вазир ўринбосари профессор Ў.М.Абилов, ТТА ўқув ишлари проректори О.Р.Тешаев, Маънавият-маърифат ишлари проректори Т.А.Бобомуратов, ТТА профессор-ўқитувчилари ва академик лицей ўқитувчилари иштирок этишди.

Тадбир ТТА ўқув ишлари проректори О.Р.Тешаев ва ССВ маънавият-маърифат ишлари бўйича вазир ўринбосари профессор Ў.М.Абиловларнинг “Кириш” сўзлари билан бошланди. Улар маънавий-маърифий ишларни такомиллаштиришда педагогларнинг ўрни, бугунги анжуманда белгиланган маърузалар жуда долзарб эканлигини айтиб, конференция ишларига муваффақиятлар тилашди.

Дастлабки маърузада Маънавият-маърифат ишлари проректори Т.А.Бобомуратов бошланган янги 2016 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш усул-воситалари, Соғлом она ва бола йилида ТТАда олиб бориладиган амалий ҳаракатларнинг мазмунига тўхталди. Шунингдек, “Вақт меъёрлари” бўйича мураббийлик фаолиятига доир тақсимланган соатлар ҳажмининг таърифларини келтириб ўтди.

(Давоми 3-бетда.)

Ҳикмат

*Ҳаётнинг маъноси — мукаммал яшамоқдир.*

Ҳикмат

# АЛИШЕР НАВОИЙ УЛУҒ ЎЗБЕК ШОИРИ ВА МУТАФАККИРИ



Жаҳон маданияти равнақига улкан ҳисса қўшган сиймолардан бири улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий (1441-1501)дир .Буюк инсонпарвар А.Навоий ўрта асрдаги Уйғониш даврининг бошқа улуғ зотлари сингари бутун ҳаёти билан ҳақиқий инсон бўлиши лозимлигини кўрсатди. У ўз давридаги ноҳақликка, адолатсизликка қарши курашди, амалдорларнинг ўз вазифаларини суиистеъмол қилишларини, таъмагирликларини фош этди, ожиз, мухтож кишиларни ўз ҳимоясига олди. Мир Алишер Навоий ўз ижоди фаолиятида бир қанча асарлар ёзди. Шу жумладан, улуғ шоир ижодининг шоҳ асари «Хамса» 5 достондан иборат бўлиб, булар «Ҳайрат ул-аброр» («Яхшилар ҳайрати»), «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Саббаи сайёр» («Етти сайёра»), «Саъди Искандарий» («Искандар девори») достонларидир.

Форс адабиётидаги хамсачиликка жавоб сифатида ўзбек тилида биринчи маротаба яратилган Алишер Навоий «Хамса»си бу тилнинг чексиз имкониятларини амалда исбот этди. 52 минг мисрадан иборат бу бешлик 15-аср ислом тафаккурининг борлиқ ва табиат, инсон ва жамият, ахлоқ ва камолот ҳақидаги ўзига хос қомуси эди. Шоирнинг “Хамса”сига кирган асосий қаҳрамонлар комил инсон сифатида талқин қилинади. Улар меҳнатсевар, ўз касбининг устаси, доимо ўзгаларга ёрдам берувчи, шижоаткор ва жасур, ақлли ва билимдон, саҳоватли, тўғри сўз, софдил, камтар, ўзида хулқ-одоб, адолат, сабр тоқат, нафсни тийиш, олижаноблик каби фазилатларни мужассамлаштирган шахслардир. И.А. Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч асарида», **«Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир»** деган гўзал таърифни берган. Бу таъриф бир улуғ инсон шахсига чексиз ҳурмат, чексиз эҳтиром, муҳаббат туйғусидир. Мана шу туйғуларнинг ўзи умумин соний ва миллий қадриятларнинг намоён этилишидир. Ҳар йили Алишер Навоийнинг тўғилган куни – 9 февраль ҳалқимиз томонидан кенг нишонланади. Барча тадбирлар Талабалар турар жойларида, мураббийлик соатларида мунтазам равишда ўтказилади.

**Д.Э.ХИДАЕВА,**
**Тиллар кафедраси ўқитувчиси**

*2016 йил — Соғлом она ва бола йили*

## *ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ – ОИЛА БАХТИ*

Ҳаётимизга янгича мазмун бағишлаётган ислоҳотлар замирида,жамиятимизда қарор топган тинчлик ва ҳамжиҳатлик юртдошларимизнинг ўзгариб бораётган онгу тафаккурида, ҳар бир оила, ҳар бир инсон ҳаётида ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Юртбошимиз 2016 йилни – Соғлом она ва бола йили деб эълон қилдилар. Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом авлодни вояга етказишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Шу жумладан, мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимининг ҳуқуқий моддий-техник, маънавий-маърифий базаси ҳам мустаҳкамланганлиги, бугунги кунда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатлар амалдаги қонунларда тартибга солинганлиги диққатга сазовордир.

Дарҳақиқат, фуқаролар соғлиғини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган долзарб масалаларга жиддий эътибор қаратилиши боис, мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими кўрсаткичи йилдан-йилга камайиб бораяпти.

Аҳоли ўртасида касалликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар самарадорлиги ошиб бормоқда ҳамда беморларга тегишли ҳажмдаги малакали тиббий хизматлар кўрсатилмоқда. Шу жумладан, шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш, қишлоқ жойларида замонавий қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти орқали у ерда истиқомат қилаётган фуқароларга оналар, болалар ва ўсмирларга врачлик тиббий ёрдамини яқинлаштириш, тиббиётнинг муҳим йўналиши бўйича замонавий Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларини ва регионал перинатал марказларини ташкил этишга эришилди.

“Она ва бола скрининги” Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар натижасида 2000 йилдан буён 1,8 мартага наслий ва туғма нуқсонлар билан туғилган болалар сони камайди. Самарали вакцинация орқали аҳолимиз юқумли касалликлардан ҳимоя қолинмоқда, жумладан полиомиелит, дифтерия каби касалликлар бартараф этилди, қизамиқ ва бошқа касалликлар сони кескин камайиб бормоқда.

Қулай,соғлом атроф-муҳит шароитлари билан экологик хавфсизлик таъминланмоқда. Оналар ва болалар қўшимча микронутриентлар билан таъминланиб келмоқда (темир, йод, витамин А, поливитамин комплекслар), 6 ойгача бўлган болалар фақат она сути билан қамраб олинмоқда.

Тошкент Тиббиёт академиясининг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган болалар клиникасида барча вилоятлардан келган болалар ва ўсмирларга чақалоқлар патологияси, аллергик ва асаб касалликлари, ўпка, юрак, буйрак касалликлари бўйича малакали тиббий ёрдам кўрсатилиб келмоқда.

«Соғлом она ва бола» йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқади.

Аммо шу билан бирга соҳада ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб вазифалар ҳам мавжуд эканлигини Юртбошимиз маърузаларида яна бир бор таъкидладилар ва олдимизга ушбу муаммоларни бартараф этиш юзасидан қатор вазифаларни қўйдилар.

Бу вазифаларга она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш Миллий моделига мувофиқ оналар ва болалар соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштириш, перинатал, скрининг марказлари, туғруққа кўмаклашиш ҳамда педиатрия муассасаларининг моддий-техник базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, перинатал ҳамширалари билим ва кўникмаларини юқори даражага кўтаришдир.

Аёллар ва болаларни уйда патронаж тартибида бориб кўриш, аҳолининг санитария-эпидемия бўйича хотиржамлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни, санитария-гигиена жиҳатидан тарбиялаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш тадбирларини ташкиллаштириб сифатли ўтказишдир.

Оиланинг мустаҳкамлиги кўпгина омилларга, жумладан улардан асосийси – она ва боланинг саломатлигига боғлиқдир. Фақатгина она соғлом бўлсагина, ундан жисмонан ва ақлий жиҳатдан соғлом фарзанд дунёга келади. Оила қуришга тайёрланаётган ёш йигит ва қизларимиз соғлом бўлишлари, аёлларни фақатгина ҳомиладорлик даврида саломатлиги тўғрисида қайғурмай, балки қизларни ёшлик давридан бошлаб соғ-саломат ўсишларини таъминлаш лозим.

Ҳулоса қилиб айтганда, соғлом она ва соғлом бола – бугунги ва келажак авлодларимизни етук ва комил инсонлар қилиб вояга етказишни энг тўғри йўли бўлиб барча аҳоли саломатлигини гаровидир.

**И.А. Каримджанов.**
**УАШ педиатрия кафедраси мудири, профессор**

Ҳикмат

*Инсон — ўз хатти-ҳаракатларига хос яшайди.*

Ҳикмат



*Йилнинг энг яхши дарслиги*

**Тошкент Тиббиёт академияси тарихида яна бир қувончли кун! Чунки профессор Зарифбой Ибодуллаевнинг “Асаб касалликлари” дарслиги тиббиёт йўналишида тайёрлаб танловга берилган барча дарсликлар ичида “Йилнинг энг яхши дарслиги” деб тан олинди ва муаллиф 1-даражали диплом билан тақдирланди. Шу муносабат билан биз совриндор билан суҳбат уюштирдик.**

## МУКОФОТ МУБОРАК!

***— Зарифбой Ражабович! Ушбу дарсликни яратиш ғояси сизда қачон пайдо бўлган.***

— Мен фан доктори бўлганимдан кейин албатта яхши бир дарслик яратаман деб ўз олдимга мақсад қўйганман. Чунки шу пайтгача хусусий неврология бўйича яратилган дарслик умуман йўқ эди. Бу албатта таълим жараёнига салбий таъсир кўрсатарди. Бунинг учун неврологияга оид жаҳон олимлари томонидан яратилган энг машҳур китобларни тўплаб юрганман. Дарслик қандай шаклда бўлиши, қандай боблардан иборат бўлишини ва мундарижани олдиндан тузиб қўйганман.




***— Дарсликнинг қайси қисмини ёзиш Сизда қийинчилик уйғотган?***

— Патогенез қисмини ёзиш. Биласиз бунинг учун энг сўнгги маълумотлардан фойдаланиш зарур. Ҳар бир мавзуга оид сўнгги пайтларда чоп қилинган илмий мақолалардан ҳам кўп фойдаландим. Бу мақсадда ҳатто физиология, патофизиология, нейрофизиология, гистология ва морфологияга оид дарсликларни ҳам харид қилишга тўғри келди.

***— Ҳозирда далилларга асосланган тиббиёт ҳақида кўп сўз юритилади. Бироқ фармакологик компаниялар ҳатто ривожланган давлатларда ҳам тиббиётга ўз босимини ўтказишга ҳаракат қилади. Дарсликнинг даволаш қисмини ёзишда қандай йўл тутдингиз?***

— Ҳар бир касаллик бўйича жаҳон экспертлари томонидан тавсия этилган диагностика ва даволаш стандартларига қатъиян амал қилдим. Далилларга асосланган тиббиёт томонидан тан олинмаган бирорта дори ушбу дарсликка ҳам киритилгани йўқ. Шунинг учун ҳам дарсликни тайёрлашда фақат узоқ хориж олимлари томонидан яратилган дарсликлардан фойдаландим.

***— Китоб каттароқ бўлиб қолган. Уни талабалар ўзлаштириши осон бўлиши учун дарсликка нима янгиликлар киритдингиз?***

— Тўғри китоб хажми каттароқ бўлган. Бунинг асосий сабабларидан бири – ҳар касаллик сўнгида “Ташхис қўйиш алгоритми” ни ёзиб чиққанман. Бу эса мавзуни ўзлаштиришни жуда осонлаштиради. Шунингдек, ташхис қўйиш ва даволаш схемалари ҳамда жадваллардан кенг фойдаланганман.

***Таҳририятдан***: Албатта Зарифбой Ражабовичнинг ушбу дарслиги Ўзбекистонда невролог мутахассисларни тайёрлашда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади!

**Расулбек ПОЛВОНОВ,**
**Асаб касалликлари 1-курс магистранти**

## ИЛМИЙ ВА ЎҚУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК

Томск шаҳрининг Сибир Давлат Тиббиёт Университетига (1888 йилда ташкил этилган) ТТА УАШ тайёрлаш ички касалликлар ва аллергология кафедраси мудири, доцент Нуриллаева Наргиза Мухтархановнанинг ташрифи Тошкент Тиббиёт академияси ва Сибир Давлат Тиббиёт Университети ўртасидаги шартнома доирасида бўлиб ўтди. Ушбу университетда Ўзбекистоннинг оилавий тиббиёт йўналиши бўйича тажрибаси тақдим этилди. Нуриллаева Н.М. “Ўзбекистондаги оилавий тиббиёт асослари” маърузаси билан тақдимот қилди. Маъруза Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, таълим тизими, илм-фан ва соғлиқни сақлаш тизимининг истиқболли йўналишларини таништиришни ўз ичига олган. Тингловчилар томонидан айниқса ТТА ташкил этилиши тарихи, республикадаги тиббий таълим тизимининг, хусусан ТТА ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари қизиқиш уйғотди.

Тақдимот мобайнида республикадаги умумий амалиёт тизимининг дастлабки ривожланиши шарт-шароитларига, соғлиқни сақлаш тизими ислоҳотлари, умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш тизимидаги устунлик қилувчи йўналишларини таърифлашга катта эътибор қаратилди. УАШ ҳақидаги йўриқнома, унинг вазифаси, талабаларни синдромал ўқитишнинг тамойиллари, ТТА яратилган шахслараро мулоқот кўникмаларини, беморлар қабул қилиш, ҚВП ва оилавий поликлиника шароитида беморларни олиб бориш тактикасини танлашни ўргатувчи, машқ қилувчи пунктлар имкониятлари батафсил ёритилди.

Маърузада Ўзбекистонда оилавий тиббиёт тамойиллари, УАШ амалиётининг ўзига хос хусусиятлари тақдим этилди. Назарий ва амалий билимларни баҳолаш усулларига, УАШ давлат аттестациясига ва дипломдан кейинги таълимга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу йўналиш бўйича Сибир Давлат Тиббиёт Университетининг 6-курс россия ва хорижлик талабалари, интернлар, университетнинг профессор-ўқитувчилари, клиник кафедралар ва амбулатор амалиёт кафедраси ўртасида мунозара бўлиб ўтди.

Сибир Давлат Тиббиёт Университети етакчи факультет ва кафедралари, шунингдек ўргатувчи стимуляцион марказ, ЦНИЛ (илмий тадқиқотлар комерциализацияси бўлими) раҳбарлари ва тиббий-биологик факультет ўқитувчилари билан анатомия, патанатомия, биокимё, морфология, терапия, генетика, акушерлик ва гинекология, суд тиббиёти, фармакология йўналиши бўйича ўзаро ҳамкорлик бўйича музокаралар ўтказилди.

Россиядаги Сибир Давлат Тиббиёт Университетининг ва Ўзбекистон Республикасидаги Тошкент тиббиёт академиясининг катта тажрибасини эътиборга олган ҳолда, ушбу ўқув юртларининг ректорлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилиб, у эса тиббий таълимдаги тажриба, фикр ва инновация алмашиш имкониятини яратади.

**Нигора НУРИТДИНОВА,**
**УАШТ ички касалликлар ва клиник аллергология кафедраси доценти.**
**Феруза АБДУМАЛИКОВА,**
**УАШТ ички касалликлар ва клиник аллергология кафедраси ассистенти**



Ҳикмат

*Яшаш бошқа, тирик юриш бошқа.*

Ҳикмат





# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ПЕДАГОГЛАРИ

Маълумки, таълим сифати директив ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросига, ОТМ моддий-техник базасининг замонавийлигига, ўқув-тарбия жараёнининг услубий таъминоти ва инновацияларнинг татбиқ этилиш даражасига, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти ва компетентлигига, талабаларнинг тайёргарлик даражасига ҳамда инглиз тилига бўлган эътибор ва унинг ўқув жараёнидаги улушига боғлиқдир. Ушбу ҳолатларни эътиборга олган ҳолда ОТМларда ўқув-тарбия, услубий фаолиятни модернизациялашнинг асосий йўналишлари бу – таълимнинг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда ОТМ моддий-техник базасини такомиллаштириш; ўқув-тарбия жараёнига инновацияларни татбиқ этиш; юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва кадрлар компетентлигини оширишга қаратилган йўналишлардир.

Мамлакатимиз мустақиллиги миллий таълим соҳасида туб ислоҳотларни амалга ошириш учун замин яратди. Республикамиз Президентининг ташаббуси билан МДҲ давлатларида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасида ислоҳотлар амалга оширила бошланди. “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг амалга киритилиши янги босқични бошлаб берди. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлардан асосий мақсад, юртимизда соғлом ва баркамол, билимли, юксак маънавий-аҳлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборат.

Тошкент Тиббиёт академиясида бугунги кунда Давлат таълим стандартини амалга ошириш учун барча шароитлар мавжуд: кафедралар капитал таъмирдан чиққан биноларда жойлашган; маъруза заллари замонавий техник ўқув воситалари билан жиҳозланган; кафедралар интернет тармоғига уланган компьютерлар ва янги мебеллар билан жиҳозланган; замонавий асбоб-ускуналар лаборатория анжомлари ва реактивлар етарлича. Шу билан бирга академиямизда талабаларга сабоқ бераётган профессор-ўқитувчилар замон билан ҳамнафас бўлишлари, ўқув жараёнига фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, илғор услубларни кенг жорий этишлари, касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ривожлантириб боришлари зарур. Негаки, бугун вояга етаётган навқирон авлодни интеллектуал салоҳиятли, зукко қилиб тарбиялаш, уларга пухта билим бериш мутахассисларнинг юксак билим даражасига бевосита боғлиқдир.

“Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, юқори малакали педагог кадрларни аниқлаш ва тақдирлаш, уларнинг фаолияти нуфузини янада ошириш, ўқитишнинг инновацион технологияларини кенг оммалаштириш, педагогик фаолиятда соғлом рақобат ва ижодкорлик муҳитини яратиш, олий таълим муассасалари педагогларининг касбий равнақини рағбатлантириш ва маҳоратини оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 февралдаги 32-сон қарорига мувофиқ “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танлови эълон қилинди ва қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилиши белгилаб берилди:

а) ***“Мутахассислиги бўйича энг яхши педагог”***, бунда тегишли фан (курс) бўйича ўқитиш методикасига оид ишлар кўриб чиқилади;

б) ***“Энг яхши педагог-тадқиқотчи”***, бунда педагогнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларининг таълим-тарбия жараёнига жорий этилиши бўйича эришган ютуқлари кўриб чиқилади;

в) ***“Инновация ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши педагог”***, бунда замонавий педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим-тарбия жараёнида самарали қўллаш соҳасидаги ишлар кўриб чиқилади.

Тошкент Тиббиёт академиясида ўтказилган танлов натижасига кўра биринчи номинацияси бўйича умумий ва радиацион гигиена кафедраси доценти В.В. Инагамова, иккинчи номинация бўйича – тиббий ва биологик кимё кафедраси мудири М.У. Кулманова, учинчи номинация бўйича – УАШ терапия кафедраси мудири Х. Аҳмедовлар академияда биринчи ўринни эгаллашди ва республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди. Қувонарлиси шуки, танловда иштирок этган академиямиз профессор-ўқитувчиларининг 2 нафари республика босқичида ҳам биринчи ўринларни эгаллашди.

“Мутахассислиги бўйича энг яхши педагог” номинацияси бўйича ғолиб умумий ва радиацион гигиена кафедраси доценти В.В. Инагамова ва “Энг яхши педагог-тадқиқотчи” номинация бўйича ғолиб тиббий ва биологик кимё кафедраси мудири М.У. Кулмановаларни ушбу ютуқ билан табриклаймиз ва педагогик фаолиятларида улкан ютуқлар тилаймиз.

**Ф.И. САЛОМОВА,**
**Тиббий профилактика факультети декани**

Ҳикмат

*Ҳаёт — ер шари билан баробар ҳаракатда, уни тўхтатиб бўлмайди.*

Ҳикмат



(Давоми. Боши 1-бетда.)

## *МУСТАҚИЛЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ МАЪНАВИЙ ЗАМИНЛАРИ*

Кейинги маърузачи Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси А.А.Раззоқов Президент И.Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” асари асосида “Ким эдигу, ким бўлдик” концептуал ғоясининг моҳиятини китобда келтирилган кўплаб мисоллар билан тушунтириб берди.

Ф.ф.н., катта ўқитувчи Н.Ш.Ниёзова қилган маъруза Юртбошимизнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асари асосида бўлиб, “Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва унинг оламшумул аҳамияти” деб номланди. Маърузада собиқ Иттифоқ даврида халқимиз ҳаётининг ночор аҳволи, шундай оғир даврларда Юртбошимиз мустақилликка эришишни кун тартибига қатъий қилиб қўйганлиги ҳамда ҳозирги фаровон ҳаётимизнинг асоси буюк неъмат-истиқлол туфайли эканлигини видеолавҳалар орқали кўрсатиб берди. Маърузачи ташриф буюрган профессор-ўқитувчиларни ўзаро фикр алмашишга чорлаб, мазкур китобни янада чуқурроқ ўрганишга доир бир қанча саволлар билан мурожаат қилди. Саволларга фикр билдиришда факультет ва госпитал терапия кафедраси ассистенти Н.Абдуазизова, Информатика, биофизика ва нормал физиология кафедраси ассистенти У.Абдужабборова, ТТА қошидаги академик лицей ўқитувчилари фаол бўлишди.

Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси Ғ.Ўтаев маънавиятни юксалтириш бугуннинг энг долзарб масалаларидан бири эканлигини билдирувчи маърузасини Юртбошимизнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асари асосида тайёрлаб келган. Маънавиятнинг ҳаётбахш аҳамиятини китобда келтирилган қимматли фикрлар билан сўзлаб берди.

“Соғлом она ва бола саломатлиги – миллат саломатлигидир” номли маъруза ТТА ХҚҚ раиси доцент Л.Қ.Абдуқодирова томонидан қилинди. Маърузада она ва бола саломатлигининг тиббий, психологик моҳияти яна бир бор тушунтириб берилди. Маърузачи ТТА жамоаси олдида турган асосий қилинажак ишлар хусусида тўхталиб ўтди ҳамда бир қанча таклифларни билдирди.

Конференция маърузаларида кўтарилган масалалар бўйича ўқув ишлари бўйича проректор О.Р.Тешаев ва ТТА бош мураббийи доцент Ш.Ю.Бекназаровлар ўз фикрларини билдиришди. Якунловчи сўз Маънавият-маърифат ишлари проректори Т.А.Бобомуратов томонидан айтилиб, барча ташкилотларчиларга: ректор Ш.И.Каримов, проректор О.Р.Тешаев, профессор Ў.М.Абиловларга, ташриф буюрган профессор-ўқитувчилар ва маърузачиларга ўз миннатдорчилигини билдирди. Анжуман мазмунли ва таассуротли тарзда ўтди.

**Нилуфар НИЁЗОВА,**
**фалсафа фанлари номзоди**

# ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР УЛУҒ АДИБ, ШОИР, ОЛИМ ВА ЙИРИК ДАВЛАТ АРБОБИ

**Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1483 йилнинг 14 февралида Андижонда дунёга келди.Бобур кенг дунёқарашли ва мукаммал ақл-заковатли**



**инсон бўлиб вояга етди. Ички келишмовчиликлар натижасида ўз юртини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Кейинчалик Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солиб, бу мамлакат тарихида давлат арбоби сифатида ном қолдирган буюк инсондир.**

Қисқа вақт ичида Бобур Ҳиндистонда сиёсий муҳитни барқарорлаштириш, Ҳиндистон ерларини бирлаштириш, шаҳарларни ободонлаштириш, савдо-сотиқ масалаларини тўғри йўлга қўйиш боғроғлар яратиш ишларига ҳомийлик қилди. Ҳиндистонни ободонлаштириш, унда ҳозиргача машҳур бўлган меъморий ёдгорликлар, боғлар, кутубхоналар, карвонсаройлар қурдирди.

Бобурийлар давлатидаги маданий муҳитнинг Ҳиндистон учун аҳамияти ҳақида Жаваҳарлаъл Неру шундай ёзган эди: «Бобур Ҳиндистонга келгандан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирларига туташиб кетди».

«Бобурнома» — Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон халқларининг XV аср охири — XVI асрнинг биринчи ярмидаги тарихини ўзида акс эттирган бўлса ҳам, шу билан бирга жуда кўп долзарб иқтисодий, ижтимоий масалалар, юқорида номлари келтирилган вилоятларнинг ўзаро сиёсий-иқтисодий ва савдо муносабатлари, жуғрофий мавқеи, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тоғлари, дарёлари, халқлари, қабила ва элатлари ва уларнинг яшаш шароитлари, урф-одатлари, муҳим тарихий иншоотлари — ҳиндулар ва мусулмонларнинг ибодатхоналари, тўй ва дафн маросимлари ҳақида ниҳоятда нодир маълумотларни ўзида қамраб олган шоҳ асардир.

Асар асосан уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми — XV асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда рўй берган воқеаларни; иккинчи қисми — XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида Кобул улуси, яъни Афғонистонда рўй берган воқеаларни; учинчи қисми — XVI асрнинг биринчи чорагидаги Шимолий Ҳиндистон халқлари тарихига бағишланган. Бобурийларнинг яна бир катта хизмати ислом ва будда динига эътиқод қилувчи мусулмон ва ҳиндуларни келиштиришга, аҳил яшашга чақиришдан иборат бўлди.

**С.Д.НОРҚУЛОВ,**
**Ижтимоий фанлар кафедраси доценти.**
**Ғ.Ғ.ЎТАЕВ,**
**шу кафедра ўқитувчиси**

Ҳикмат

*Ҳаётда ҳам дили, ҳам тили ёқимли одамлар яхши яшайди.*

Ҳикмат

# ОЛИЙ ТИББИЙ ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ВАЗИФАСИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ

***О. ТЕШАЕВ,***
***Ўқув ишлари бўйича проректор***

Мамлакатимиз мустақиллиги миллий таълим соҳасида тубислоҳотларни амалга ошириш учун замин яратди. Республикамиз Президентининг ташаббуси билан МДҲ давлатларида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасида ислоҳотлар амалга оширила бошланди. “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг амалга киритилиши янги босқични бошлаб берди.

Республикамиз мустақилликка эришиш арафасида, яъни 1989 йил 28 январда Президентимиз И.Каримов Маърифат газетаси мухбирининг саволларига жавоб бериб «Замонавий кадрлар тайёрлаш – ислоҳотлар муваффақиятининг асоси» бўлиб хизмат қилади деб айтган эдилар. Мустақилликка эришганимиздан сўнг, айнан шу сўзларнинг исботи сифатида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар, юртимизда соғлом ва баркамол, билимли, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборат бўлди. Президентимиз раҳнамолигида янги даврда яшайдиган, янгича фикрлайдиган, янги ишлаб чиқариш, ижтимоий шароитларда фаолият кўрсатадиган, замонавий касбий маҳоратга эга бўлган мутахассис кадрлар тайёрлашнинг “Ўзбек модели” ҳаётга татбиқ этилмоқда. Таълим соҳасига тегишли қонун ва норматив-меъёрий ҳужжатларнинг барчасида республикамизда олий ва ўрта-махсус таълим тизимини жаҳон стандартларига мос равишда ривожлантириш, таълим сифатини халқаро стандартлар даражасига жавоб берадиган ҳолатга келтириш кўзда тутилган.

Шулар қаторида 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорини келтириш мумкин. Ушбу Қарорнинг бешинчи банди Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази: таълим жараёнида илғор педагогик услуб ва технологиялар (“case-study”, ўқув лойиҳа, ҳамкорликда ўқитиш, “амалий ўйин”, интерфаол таълим усули ва бошқалар), ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан фойдаланиш борасида чет эл тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш кўрсатиб ўтилган. Ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сонли “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Мазкур фармоннинг биринчи бандида эса олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришнинг қуйидаги муҳим йўналишлари кўрсатиб ўтилган:

олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг педагогик ва касб даражасини мунтазам ошириш асосида уларнинг қонунчилик нормалари, назария, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнгги ютуқларни чуқур ўрганиш;

юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услубларини тубдан янгилаш;

олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши;

Биз бугунги кунда таълим сифати ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаол иштирокчиларидан бири Малакали педагог кадрлар бу ким?

Бу келажак бунёдкори, янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчисидир.

Ҳақиқатдан ҳам малакали кадрлар тайёрлашда педагогнинг ўрни ўзгача, бу тўғрисида ҳатто Абу Али Ибн Сино қуйидагича таъриф берган эди:

Ўқитувчи қўйидаги талабларга жавоб берадиган бўлиши керак:

Талабалар билан муомалада босиқ ва жиддий бўлиш;

Берилаётган билимни талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига алоҳида эътибор бериш;

Таълимда турли услуб ва шакллардан фойдаланиш;

Талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиш;

Талабаларни фанга қизиқтира олиш;

Талабаларга узатилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бериш;

Билимларни талабаларга тушунарли хамда уларнинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериш;

Ҳар бир сўзнинг талабалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш.

Ўқитувчи – педагогларга талабларни қандай амалга ошириши мумкин. Педагог яхши мутахассис тайёрлаши учун қандай усуллардан фойдаланиши зарур. Бундан ташқари педагоглар олдида қуйидаги саволлар туради:

Нега ўқитамиз?

Нимани ўқитамиз?

Қандай ўқитамиз? ва Қандай қилиб самарали ва натижали ўқитиш мумкин?

Айнан қандай қилиб самарали ва натижали ўқитиш учун ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда инновацияларни татбиқ этиш зарур. Инновация бу нима?

«Инновация» лотин тилида innovatio – сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида янгиланиш, ўзгариш, янгилик киритиш маъносини билдиради. Яъни «инновация» икки хил маъно англатади: биринчидан янгилик, иккинчидан «янгилик киритиш» маъносини билдиради, масалан, педагогик жараёнга янгилик киритиш.

Нима учун айнан инновация? Биринчидан ҳар биримиз қандайдир янгилик киритишни, ёки татбиқ этишни хоҳлаймиз. Иккинчидан, талабалар дунёси ўзгарувчан, ва шу сабабли биз ҳам ўзгаришимиз керак, бугунги талабалар ўз эҳтиёжи ва имкониятига мос билим олишни хоҳлайди, улар бизни таълимда янгилик киритишга, уни қизиқарли, маъноли ва фойдали қилишга ундайди. Шунинг учун биз таълим тизимида инновацион технологияларни кенг қўллашимиз зарур.

Инновацион таълим деганда нимани тушунамиз? Инновацион таълим – бу ўзи ривожланишига моил ва барча иштирокчиларни ривожланишига шароит яратадиган таълимдир. Шундан келиб чиқиб – бу ривожланадиган ва ривожлантирадиган таълимдир.

(Давоми 5-бетда.)

Ҳикмат

**Мақсадсиз ва умидсиз ҳаёт — ҳаёт эмас.**

Ҳикмат



# ОЛИЙ ТИББИЙ ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ВАЗИФАСИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ

(Давоми. Боши 4-бетда.)

Инновацион таълим технологияси бу - учта бир бири билан ўзаро боғлиқ жараёндир:

1. Бериладиган билимларнинг замонавийлиги, нафақат билим, балки замонга мос компетентликни ривожлантириши;

2. Замонавий ўқитиш усуллари — компетенцияни ривожлантиришнинг фаол усуллари;

3. Ўқитишнинг замонавий инфраструктураси, (информацион, технологик, ташкилий ва коммуникацион).

Бугунги кунда инновацион ўқитиш технологиялари жуду хилма-хил, бироқ энг самарали ва тиббиётда қўлланилиши мумкин бўлган айримларини таърифлаб ўтмоқчиман.

Имитацион ўқитиш технологияси – бу реал тизимда кечаётган жараёнларни ўйинли-имитацион моделлаштириш орқали ўқитиш.

Муаммоли ўқитиш – ўқув материалларини муаммолаштириш орқали талабаларнинг керакли билимларни мустақил излашларига ундайди. Бу ўқитувчидан муаммоли топшириқ тузишда касбий маҳорат ва ташкилотчиликни талаб этади.

Модул ўқитиш – Дастурлаштирилган ўқитиш турига киради ва унинг маъноси шундаки, ўқув материал тўлиқ ўзлаштирилиши учун аниқ қисимларга бўлиниб структурланади ва ҳар бир қисми ўзлаштирилиши назорат қилинади. Модул ўқитишнинг асосий ўзаги – ўқув материалини талабага лўнда, максимал қисқа, аниқ кетма-кетликда, тушунарли қилиб етказиш ва ўзлаштирилишини назорат қилишдан иборат. Бунда ўқув жараёни ўқувчиларнинг индивидуал имкониятлари ва талабларига мослаштирилади.

Масофали ўқитиш эса ахборот-коммуникацион технологиялар ва янги педагогик технологиялар мажмуаси бўлиб – таълим олувчи ва педагог масофадан туриб мулоқот қилишади.

Хулоса қилиб айтганда, таълимда инновациялар ижобий таъсир кўрсатади, уни ривожлантиради, унга янги мазмун беради ва тайёрланадиган ёш мутахассисларни мустақил фикрлашга, холис қарор қабул қилишга, малака ва кўникмаларни пухта эгаллашга ўргатади;

Педагогик технологиялардан ўринли ва маҳорат билан фойдаланиш ўқув жараёнида ўзлаштиришнинг юқори кўрсаткичларига эришиш имконини яратади;

Рақобатбардош, юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида Тошкент тиббиёт академиясида қуйидаги инновацион таълим технологияларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади:

Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияси;

Муаммоли ўқитиш;

Модул тизимида ўқитиш;

Лойиҳалаштириш;

Масофали ўқитиш элементларини қўллаш;

Ахборот-коммуникацион технологияларга асосланган янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

# БАРЧАМИЗ МАСЪУЛ...

“Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури”нинг қабул қилиниши ва мустақил Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш учун оламшумул аҳамиятга эга бўлган амалга оширилаётган ислоҳотлар, кадрлар сифатини ошириш, юқори малакали кадрларга эришиш тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртлари олдига ҳам бир қатор вазифаларни бажаришни қўймоқда. Янги бошланган 2016 йилнинг 5-8 январь кунлари Тошкент тиббиёт академиясида “Таълимда инновацион технологияларнинг қўлланилиши” мавзусига бағишланган навбатдаги XI ўқув-услубий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманнинг очилиши 5 январь куни Тошкент шаҳридаги “Интерконтиненталь” меҳмонхонасининг А.Темур залида бўлиб ўтди. Уни Тошкент Тиббиёт академияси ректори, академик Ш. Каримов кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни анжуман дастури ҳамда кун тартибида кўриладиган асосий масалалар билан таништирди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазири А. Алимовга сўз берилди. У ўз сўзида бугунги кунда мустақил ўз тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, уни янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш, кенг кўламда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини таъкидлаб, Республикамиз Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига алоҳида тўхталди ва инглиз тилини чуқур ўрганиш ва уни амалиётда татбиқ этиш лозимлиги ҳақида гапирди.

Сўнгра академиянинг ўқув ишлари бўйича проректори, профессор О.Тешаев “Олий тиббий таълимда инновацион технологияларнинг вазифаси ва афзалликлари”, профессор М.Ҳакимов “Факультет ва госпитал хирургия кафедрасида янги интерфаол усулларни қўллаш”, БИМ марказ директор муовини М.Мирсолиева “Талабаларнинг креатив фаоллигини ривожлантиришга йўналтирилган таълим технологиялари” ва Рига Университети травматология ва ортопедия клиникаси директори Р.Студерслар “Травматология ва ортопедия кафедрасида қўланиладиган ОСКИнинг ўзига хос хусусиятлари” мавзуларида қизиқарли маърузалар қилишди.

Анжуман 6-8 январь кунлари ҳам ўз ишини давом этдирди, яъни, 6 январь куни Академия қошидаги академик лицейнинг мажлислар залида “Олий тиббий таълимда ўқув жараёнини ташкил этиш, меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг ижросини таъминлаш”, 7 январь куни “Тошкент тиббиёт академиясида олиб бориладиган маънавий ва маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда “Соғлом она ва бола йили”да амалга ошириладиган вазифалар” ва 8 январь куни эса тиббиёт коллежлари ҳамкорлиги мавзуларида махсус семинарлар ҳам бўлиб ўтди.

Анжуман иштирокчилари кўрилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлигига ўзларининг таклиф-мулоҳазаларини ҳавола этишди ва барча масалалар юзасидан тегишли резолюция лойиҳасини қабул қилишди.

Давлатимиз талабига жавоб берувчи юқори малакали умумий амалиёт шифокорларини тайёрлашда тиббиёт олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг роли ва масъулияти қанчалик юқори эканлигини ушбу анжуман қатнашчилари яна бир бор эътироф этдилар ва ўтказилган навбатдаги XI ўқув-услубий анжуман ва семинарлар ўзларининг долзарблиги ва амалий жиҳатдан фойдали эканлигини таъкидладилар.

**Шоира ҚОДИРОВА,**
**Тиббий педагогика факультети катта ўқитувчиси**

Ҳикмат

**Ҳаётни ёлғоннинг устига қуриб бўлмайди.**

Ҳикмат